
ВИЛОЯТ ҲОКИМИ ХАЙРУЛЛО БОЗОРОВ БУЮК БРИТАНИЯНИНГ "IMTIAZ HOLDINGS" КОМПАНИЯСИ БОШ ДИРЕКТОРИ ОМАР ИМТИАЗНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров Буюк Британиянинг "Imtiaz holdings" компанияси бош директори Омар Имтиазни қабул қилди.

Учрашувда ушбу компания билан ҳамкорликда вилоятимизда замон талаблари даражасидаги футбол академиясини ташкил қилиш, бу борадаги амалий ишлар муҳокама қилинди.

Вилоят ҳокими юртимизда ёшларни спортга жалб қилиш, айниқса, футболни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётганлигини қайд этиб, энг биринчи футбол ҳам Қўқонда ташкил топгани ҳақида маълум қилди.

Ўзбекистон футбол клублари билан Европа футбол клублари ҳамкорлигини йўлга қўйиш таклифини билдирган Омар Имтиаз, чет элдан мураббийларни жалб қилган ҳолда ва маҳаллий мураббийларни хорижга юбориш орқали уларни тажриба, малака ва кўникмаларини ривожлантириш режа қилинаётганлиги, фарғоналик ёшларни спортга қизиқишлари юқори эканлигини эътиборга олиб, футбол академиясини шу ерда ташкил этиш таклифини илгари сурди. Ўзбекистондан, қолаверса, қўшни давлатлардан ҳам келган спортчилар ушбу академияда ўз қобилиятларини рўёбга чиқариш имкониятига эга бўлишади.

Вилоят ҳокими ушбу таклифни қўллаб-қувватлади.

Учрашув давомида ҳамкорликда ишларни йўлга қўйиш учун йўл харитаси ишлаб чиқилиб, иш ташкил қилишга келишиб олинди.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram](#)

2024-10-17 21:07:56